

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУЗРУКХОНОВ САРВАРХОН МУНАВАРХОНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Бузрукхонов Сарвархон Мунаввархонович

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни
молиялаштиришни такомиллаштириш.....3

Бузрукхонов Сарвархон Мунаввархонович

Совершенствования финансирования высшего образования в условиях
перехода к инновационной экономике.....39

Buzrukkhonov Sarvarkhon Munavvarkhonovich

Improving financing of higher education in the context of the transition to an
innovative economy.....77

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....83

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУЗРУКХОНОВ САРВАРХОН МУНАВАРХОНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Iqt238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Каримов Норбой Ғаниевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тошмуродова Бувсара Эгамовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 04 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (275 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «08» 04 куни тарқатилди.
(2022 йил «08» 04 даги 21 - рақамли реестр баённомаси.)



Т.З. Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К. Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н. Қўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатдаги таълим сифати, фуқароларнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги кўрсаткичлари, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни бошқариш каби омиллар билан белгиланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда давлат харажатларининг ўртача 13 фоизи таълимга сарфланади ва ҳукуматлар ушбу пулни самарали сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда илм фанни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми дунё бўйича 19 фоизга ўсган. Лекин, дунёнинг турли мамлакатларида ушбу йўналишда нотенглик мавжуд бўлиб, илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг катта қисми Америка қўшма штатлари ва Хитой давлатининг ҳиссасига тўғри келади. Дунёнинг 80 фоиз мамлакатларида илмий тадқиқотларга ажратилган маблағлар улар ЯИМининг 1-фоизидан ҳам камдир. Ушбу кўрсаткич сўнгги тўрт йилда «Ўрта Осиё мамлакатларида ЯИМнинг 0,17 фоизидан 0,12 фоизигача камайган»¹. Шу жиҳатдан мазкур мавзу халқаро амалиётда тадқиқот олиб боришга заруриятни юзага келтиради.

Халқаро амалиётда шу вақтга қадар олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган. Илмий тадқиқотларда жаҳон миқёсида олий таълим муассасаларини молиялаштиришни турли шакллари мавжудлиги ва уларда ўқитиш харажатларини тўлиқ давлат томонидан қопланиши, юқори танловлар асосида давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари кесимида иқтидорли талабаларни танлаш, олий таълим тизимини венчурли молиялаштириш, ўқитиш қийматини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш, олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти асосида даромадлар ҳажминини ошириш, таълим хизматлари самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ошириш масалалари кенг тадқиқ этилган. Лекин, бугунги глобаллашув шароитида айниқса, жаҳон иқтисодиётини инновацион ривожланиши шароитида олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг замонавий шакллари жорий қилиш, олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти билан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ўртасидаги муносабатлар, молиявий таъминот воситаларини диверсификация қилишнинг илмий ёндашувлари, олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари етарлича илмий тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларни кенг миқёсда олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги беш йилда инсон капиталига инвестиция қилиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Таълимнинг барча босқичларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар белгиланди, жумладан,

¹ Данные доклада ЮНЕСКО: расходы на науку в мире растут, а в России – сокращаются//Новости ООН. Июнь 2021г.

«олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ва истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ҳамда ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш»² каби вазифалар амалга оширилмоқда.

Сўнгги беш йилда олий таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ижросини самарали таъминлашда мазкур диссертацион тадқиқот илмий услубий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5847-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги, 2020 йил 26 августдаги 517-сон «Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи^{3*4}. Олий таълим муассасаларининг инновацион-инвестицион жараёнларини

² «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сон.

³ System of National Accounts 2005 (SNA 2005) (<http://www.unstat.org>); Robinson S., Thorbecke Macro Models and Multipliers: Leontief, Stone, Keynes, and CGE Models, (<http://www.ifpri.org>); <https://www.harvard.edu>; Finance and Development, a quarterly magazine of the IWF; Financing of Higher Education in the UK; Huffier, K. The Challenge of Unification and the Reform of Higher Education in Germany // Higher Education in Europe. 2002. - №27 1-2. - pp. 1-Said M., Ldfgren H., Robinson S. The impact of alternative development strategies on growth and distribution: simulations with a dynamic model for Egypt, (<http://www.ifpri.org>); Guriev S., Ickes B.W. Microeconomic aspects of economic growth in Eastern Europe and the Former Soviet Union. 1990 — 2010. <http://www.bus.umich.edu/>; Blue Mountains International Hotel Management School (Австралия); Guenther, D., Young, D., The Association between Financial Accounting Measures and Real Economic Activity: a Multinational Study; autista R.M., Robinson S., El-Said M. Alternative industrial development paths for Indonesia: SAM and CGE analyses.

молиялаштиришда бозор механизмларидан кенг фойдаланган ҳолда ривожланиш истиқболлари, инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Ecole Hotelmre de Lausanne (Швейцария), Oxford Brookes University (Буюк Британия), Cornell University, Harvard University (АҚШ), Les Roches International School of Hotel Management (Испания), Blue Mountains International Hotel Management School (Австралия), University of Surrey (Буюк Британия), Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти (Ўзбекистан Республикаси) ва яна бошқа олий ўқув юртлари томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни назарий-амалий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: олий таълимни инновацион ривожлантиришни модели молиялаштиришнинг шакли ишлаб чиқилган Ecole Hotelmre de Lausanne (Швейцария); натижага йўналтирилган ҳолда давлат томонидан молиялаштириш тизимини олий таълимнинг мақсадли индикаторли асосида белгилаш таклиф этилган Oxford Brookes University (Буюк Британия); таълим хизматлари тадбиркорлигини кенгайтириш асосида олий таълим молиявий таъминоти асосий йўналишлари белгиланган Cornell University, Harvard University (АҚШ); корпоратив бошқарув тизимини киритиш асосида олий таълимни молиявий таъминотини мустаҳкамлаш асосланган Les Roches International School of Hotel Management (Испания); олий таълимда венчерли молиялаштириш асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш асосланган Blue Mountains International Hotel Management School (Австралия); олий таълимнинг инновацион фаолияти билан молиявий таъминот ўртасидаги боғлиқликнинг оптимал даражаси белгиланган University of Surrey (Буюк Британия); олий таълим муассасаларининг инвестиция жараёнларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларда маркетинг фаолиятидан кенг фойдаланиш таклиф этилган Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия).

Жаҳонда инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни назарий-амалий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, олий таълимни давлат томонидан молиялаштиришни мақсадли индикаторларини белгилаш усулларини такомиллаштириш, давлат хусусий шерикчилик асосида олий таълимни молиявий ҳамда моддий техник таъминотини мустаҳкамлаш йўллари, олий таълимни ривожлантиришнинг инновацион ва молиявий стратегияси доирасида молиялаштириш тамойилларини белгилаш, олий таълимни ривожлантиришнинг инновацион ва молиявий стратегияси доирасида молиялаштириш шаклларини белгилаш,

⁴ <http://www.ifori.org>): Ерохина Е.А. Теория экономического развития: системно-синергетический подход (<http://ek-lit.agava.ru>); Москва давлат университети (Россия) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

олий таълим муассасаларини акционерлаштириш орқали инвестицияларни жалб этиш ва кенгайтириш, инсон капиталига инвестициялар киритишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, олий таълим инновацион инфратузилмасининг молиявий таъминотини диверсификация қилиш бўйича изланишлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш, уларнинг инвестицион фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганишга қизиқиш сўнгги вақтларда иқтисодчи-олимлар томонидан ортиб бормоқда.

Инвестиция фаолиятининг назарий муаммолари хорижлик иқтисодчи олимлардан Ламбен Жан-Жак., Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонг В. Кревенс Д., Kramer, J., Pushner G., Bacid Ore, J., Boquist J., Milbourn T., Грюнинг Х., Коэн М., Джоббер Д., Ансофф И., Дорнбуш Р., Самуэльсон П., Шумпетер И., Фишер В.С., Хикс Д., Харрод Р., Хансен Э. ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган⁵.

Россия ва бошқа яқин хорижлик иқтисодчи-олимлар ҳам олий таълимни бошқариш, уларни молиялаштириш масалаларига катта эътибор бермоқда. Жумладан, Бобылева А.З., Гуртов В.А., Питухин Е.А., Серова Л.М., Зуев В.М., Майбуров И.А., Новиков П.Н., Иванов А.В., Панкрухин А.П., Селезнев

⁵ Ламбен Жан-Жак. Менеджмент, ориентированный на рынок: Пер. с англ. 7 Под.ред. В.Б. Колчанова. - С-Пб.: Питер, 2008. - 800 с.; Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонг В. Основы маркетинга. - 4-е европ.изд. - М.: Вильямс, 2008. - 1200 с.; Кревенс Д. Стратегический маркетинг. - М.: Изд. дом «Вильямс», 2003.; Kramer, J., Pushner G. An Empirical Analysis of Economic Value Added as a Proxy for Market Value Added. Financial Practice and Education, Spring/Summer 1997; Bacidore, J., Boquist, J., Milbourn, T., The Search for the Best Financial Performance Measure. Financial Analysts Journal, May-June 1997; Peterson P., Peterson D., Company Performance and Measures of Value Added. The Research Foundation of the Institute of Chartered Financial Analysts, 1996.; Джоббер Д. Принципы и практика маркетинга: Пер. с англ. - М.: издательский дом «Вильямс», 2000. - 322 с.; Грюнинг Х., Коэн М. Международные стандарты финансовой отчетности. International Accounting Standards:-2-е изд., перераб. и доп. -М.: ICAR; World Bank; 2000. - 181 с.; Lynch R. Corporative Strategy, 2nd edn, Pearson Education, London, 2000.; Barr, N. Financing Higher Education // Finance and Development, a quarterly magazine of the IWF. 2005. - №2. - pp.32-35.; Смит П., Бэрри К, Пулфорд А. Коммуникации стратегического маркетинга: Учеб. пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. Бобылева А.З. Финансовые управленческие технологии: Учебник - М.: ИНФРА - М. 2007. - 492 с.; Гуртов В.А., Питухин Е.А., Серова Л.М. Моделирование потребностей экономики в кадрах с профессиональным образованием // Проблемы прогнозирования. - 2007. - 6. - с. 91-107.; Зуев В.М., Новиков П.Н. Мониторинг и прогнозирование профессионального образования: Научно-практическое пособие. - М., 1999. -27 с.; Иванов А.В. Актуальные проблемы привлечения внебюджетных средств /У Университетское управление. - 1999.- 2. - е - 40 с. Панкрухин А.П. Маркетинг: Учебник. - 5-е изд., стер. - М.: Омега-Л, 2007. - 656 с.; Чуб. Б.А. Оценка инвестиционного потенциала субъектов российской экономики на мезоуровне. - М.: БУКВИЦА, 2001.; Майбуров И.А. Эффективность инвестирования и человеческий капитал в США России // Мировая экономика и международные отношения. 2004. № 4. Селезнев Б.И., Телина И.С. Модель организации подготовки специалистов в области высоких технологий // Университетское управление. - 2003. - 5-6. - с. 89-94.; Федотов А.В. Моделирование в управлении вузом /Под ред. В.Р. Окорочова. - Л.: Изд. ЛГУ, 1985. - 115 с.; Балыхин, Г.А. Управление развитием образования: организационно-экономический аспект Текст. / Г.А. Бальихин. — М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2003. - 428с.

⁵Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: «Mehnat», 2004. - 672 б.; Ахунова Г.Н. Узбекистонда таълим хизматлари маркетинга муаммолари: Монография. - Т.: Иқтисод-Молия, 2005. - 244 б.; Ходиев Б.Ю. Совершенствование системы управления вузами в современных условиях / Иқтисодиёт ва таълим 2003 - 1 с. 14-20; Кучаров А С Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари Т : Фан.: 2005. 132 б.; Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти: Ўқув қўллакма. - Т.: Молия, 2002. - 1.84 б.; Саидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинга: ўқув қўлланма - Т.: Молия. 2003 - 324 б. Кучаров А.С. Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари. - Т.: Фан. 2005,- 152 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. - Т.: Академия, 1999: - 192 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия, 2009. - 554 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т.: Фан, 2004. - 224 б.; Курбанов Ш., Сейтхалилов С. Национальная модель и программа по подготовке кадров-достижение и результат независимости Узбекистана. -Т.: Маърифат-Мададкор 2001. - 655 с. Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурслари бошқариш механизмини такомиллаштириш. Диссертация автореферати.Т.:»IMPRESS MEDIA» 2019 й.

Б.И., Телина И.С.; Федотов А.В., Чуб Б.А. ва бошқалар⁴нинг илмий ишларида бу муаммоларнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда ҳам олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда иқтисодчи олимлардан Абдурахмонов Қ.Х., Ахунова Г.Н., Ходиев Б.Ю., Перегудов Л.В., Саидов М.Х., Исманов М.А., Кучаров А.С., Олимжонов О.О., Набиев Д.Х., Тешабоев Т.З., Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ., Юлдашев Ш.Г., Жўраев А.С., Курбанов Ш., Сейтхалилов С.А. Махмудов А.А. ва бошқалар⁵нинг илмий изланишларини кўришимиз мумкин. Бу олимларнинг ишларида олий таълимнинг молиявий ресурсларини бошқариш, уларни инвестицион фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган.

Шу билан бир вақтда олий таълим муассасаларининг инновацион-инвестицион фаолияти, олий таълим муассасаларининг инновацион иқтисодиётини шакллантириш шароитида молиялаштириш масалалари илмий ишларда ва иқтисодий адабиётларда ёритилишига кам эътибор берилган. Айниқса, олий таълим муассасаларининг инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги иштирокининг сустиги, уларнинг мавжуд инновацион лойиҳаларнинг инвестицион жозибодорлигининг пастлиги, инновацияларни тижоратлашиш даражасининг ўта заифлиги каби муаммолар деярли ўрганилмаган.

Шунинг учун ҳам, олий таълим муассасаларини инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида молиялаштириш тизимини такомиллаштириш истиқболларини ўрганиш бугунги кун талабларидан саналиб ва ушбу мавзу бўйича тадқиқот ишини олиб боришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Олий таълимда инвестицияларни шакллантириш ва амал қилиш методологияси» ва «Олий таълим муассасалари инвестиция жараёнлари ривожланишига оид электрон дарслик яратиш ва уни амалиётга жорий этиш» давлат лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш асосида муаллифлик ёндошувини ишлаб чиқиш;

олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштиришнинг асосий тушунчаларини тадқиқ этиш ва стратегик йўналишларини аниқлаш;

олий таълимнинг инновацион инфратузилмасини молиялаштириш манбалари ва молиявий таъминот воситаларини диверсификация қилишнинг илмий ёндашувларини ўрганиш;

олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиялаштиришнинг етарлилик даражасини аниқлаш ва олий таълим муассасалари

инновацияларини инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашувларини таҳлил этиш;

олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти натижалари билан олий таълимни молиявий қўллаб-қувватлаш ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари ва тизимли хусусиятларини таққослаш;

олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминлаш самарадорлигини баҳолаш усулларининг типологиясини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтишида олий таълимни молиялаштириш тизимининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва илғор хориж тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, меъёрий усуллар, эксперт баҳолаш, статистик ва иқтисодий таҳлил, таққослаш, иқтисодий-математик ёндашув, моделлаштириш, монографик тадқиқот, социологик кузатишлар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, корреляция, регрессия, экстрополяция, прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари бўйича белгилаш таклиф этилган;

молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш ҳамда ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини базавий тўлов-контракт миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда мустақил белгилаш асосланган;

грантлар, қарзлар (кредитлар), солиқ енгилликлари кўринишидаги саватчасини олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақилликни жорий этиб бориш шароитида қўллаш таклиф этилган;

янги бюджетлаштириш воситаларини жорий этиш мақсадида олий таълим муассасаси томонидан молия йили учун бизнес-режасини тасдиқлаш ва уни таркибий тузилиши, шунингдек, олий таълим муассасасида мақсадли капитал жамғармасини (эндаумент фонд) шакллантириш таклиф этилган;

олий таълим муассасаларини давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда акционерлик жамиятларига айлантатириш орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш,

уларда корпоратив бошқарув тамойилларини ва молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, яъни, бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришнинг давлат манбалари ролини сақлаб қолиш асносида, мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасаларининг консолидациялашган илмий-инновацион бюджетини шакллантириш орқали мамлакатнинг ҳар бир минтақасида, илмий-педагогик ходимларнинг «академик капиталистлар» сифатида таълим, тадқиқот ва инновацион фаолиятини уйғунлаштириш учун кафолатланган молиявий ресурсларга эга бўлган камида битта етакчи давлат инновацион ОТМни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали университетлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун платформа бўлиб хизмат қиладиган саноат кластерларини яратиш бўйича амалий тавсия таклиф этилган;

ОТМлар инновацион лойиҳаларининг инвестицион жозибадорлик рейтингини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган ҳамда рейтинг баҳолашнинг оптимал кўрсаткичлар тизими таклиф этилган;

Университетларни инновацион жараёнга жалб қилишнинг «билим учбурчаги», яъни «таълим, фан ва янгилик» тамойилига асосланган муаллифлик модели таклиф этилган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлил натижаларининг иқтисодий-математик усуллар воситасида асосланганлиги, олинган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий натижалардан олий таълим муассасаларининг молиявий, инновацион-инвестицион фаолиятини самарали ташкил этишда назарий-методологик ва услубий аппарат ҳамда мавзуга оид иқтисодий ва молиявий усулларни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг натижаларидан олий таълим муассасаларини молиялаштириш механизмлари самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар, йўл хариталари ва чоратadbирлар режасини ишлаб чиқишда ҳамда уларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари бўйича белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-4359-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги №05/12-01-01-32/1887-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида табақалаштирилган тўлов контракт миқдорларини белгилаш амалиёти жорий этилиб, ёшларни олий таълим олишларига кенг имкониятлар яратилди ҳамда бунинг эвазига олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилган;

Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш, ҳамда ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш 6-§ да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги №05/12-01-01-32/1887-сон маълумотномаси). Натижада ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларида ўқитишнинг реал харажатларидан келиб чиқиб, тўлов-контракт ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини мустақил белгилаш имконияти яратилган;

Грантлар, қарзлар (кредитлар), солиқ енгилликлари кўринишидаги саватчасини олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақилликни жорий этиб бориш шароитида қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида» 967-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги №05/12-01-01-32/1887-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари молиявий таъминотининг манбаалари кўпайиши ҳисобига, уларнинг имкониятлари кенгайган;

Янги бюджетлаштириш воситаларини жорий этиш мақсадида олий таълим муассасаси томонидан молия йили учун бизнес-режасини тасдиқлаш ва уни таркибий тузилиши (асосий фаолияти кўрсаткичлари жумладан, муассасада кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг мақсадлари, режалаштирилаётган натижалари ва таҳлили ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш), шунингдек, олий таълим муассасасида мақсадли капитал жамғармасини (эндаумент фонд) шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида» 967-сон қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги №05/12-01-01-32/1887-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қўвватлаш учун мақсадли молиявий режалаштириш ҳамда қўшимча молиявий таъминот манбаси ҳисобига таълим сифатини ошириш имконияти яратилган;

Олий таълим муассасаларини давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»нинг Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш 7-§, г) бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги №05/12-01-01-32/1887-сон маълумотномаси). Натижада Олий таълим муассасаларини босқичма босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш ҳамда ҳақиқий рақобат муҳитини яратиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда баён қилинган асосий ғоялар, фикрлар республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа тадбирларда маъруза қилинган ва муҳокамада бўлган, хусусан 8 та халқаро ва 13 та республика миқёсида ўтказилган жами 20 дан ортиқ илмий амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, хорижий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижалар ва илмий янгиликлар ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацион тадқиқотнинг **«Олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ва ташкилий асослари, уларнинг инновацион ривожланишини молиялаштиришнинг асосий тушунчалари ва стратегик йўналишлари, олий таълим инновацион инфратузилмасини молиялаштириш манбалари ва молиявий таъминот воситаларини диверсификация қилишнинг илмий ёндашувлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Жаҳон иқтисодиёти фанлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари индустриядан кейинги иқтисодий ўсиш фақатгина илғор технологияларни жорий этиш, инсон капиталига инвестицияларни ошириш яъни «билимлар иқтисодиётига» ўтиш орқалигина бўлиши мумкин деган хулосага келди.

Инновацияларни тадқиқ қилишнинг янги ёндашувлари иқтисод бўйича Нобел мукофоти лауреати С.Кузнец номи билан боғлиқ бўлиб, у бир тарихий давр бошқа тарихий даврга ўтиш асосида ётган даврий янгиликлар тушунчасини киритган. С.Кузнецнинг фикрича, даврий янгиликлар ҳам ижобий, ҳам салбий тавсифларга эга бўлиши мумкин, шунинг учун давлат ушбу жараёнда юзага келаётган низоларни олдини олиш ва ҳал қилишда иштирок этиши керак. Россиялик тадқиқотчи Ю.В.Яковцнинг ўз асарларида инновациялар инқироздан чиқишнинг асоси бўлган илмий-техник ва иқтисодий циклларнинг бир қисми сифатида қарайди, илмий, техник, иқтисодий, таълим, ташкилий-бошқарув цикллар ва уларнинг инновацион босқичларининг ўзаро алоқалари ўрганилади.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш назариясининг чўққиси назарияси тушунчаси ўтган асрда 1970-йилларнинг охирида К. Фримен ва Д. Кларк томонидан шакллантирилган миллий инновацион тизимлар концепцияси бўлган. Миллий инновацион тизим, инглиз иқтисодчиси К.Фрименнинг фикрига кўра, инновацияларнинг натижавийлиги асосида ётган тизимни шакллантирувчи механизм ҳисобланади. 1990 йилларнинг охирига келиб, миллий инновацион тизимлар концепцияси иккита асосий қоидаларга таянган: биринчидан, ҳар қандай миллий инновацион тизим ижтимоий-иқтисодий тизимнинг турли унсурларини ўз ичига олади, иккинчидан, инновацияларнинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг ижтимоий тарихий миллий хусусиятлари билан белгиланади.

Инсон капиталига инвестициялар киритишнинг иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш соҳасида энг муҳим ишлар Г. Беккернинг

ишлари бўлиб, у ўзининг «Инсон капитали» асарида махсус инсон капитали концепциясини киритиб, унга ҳар қандай фирма ёки ҳар қандай фаолият тури учун қизиқарли бўлган кўникмалар, деб таъриф берган. Иқтисодчилар инсон капитали турларини харажатлар ва инвестициялар турлари бўйича таснифлайди⁶. Мисол учун, А.Дели, ҳар бир инсоннинг муаммолари инсон капиталига инвестиция қилиш билан боғлиқ харажат ва даромадлар орқали бутун ҳаёти давомида ўз нафлинигина максималлаштиришдан иборат, деб ҳисоблайди⁷. Ттадқиқотчи А.Акулиннинг таъкидлашича, харажатлар ва натижаларнинг тўлиқ динамикаси объектив қийматни – ҳар хил меҳнат турлари бўйича инсон капитали нархини аниқлашга имкон беради⁸.

Молиявий бошқарувнинг умумий назариясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган молияни қайта тақсимлаш масалалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бюджет маблағларини ажратиш типологияси масалалари билан Д.Кинг шуғулланиб, у ушбу маблағларни мақсадли (блокли ва улушли) ва мақсадсиз (блокли ва шартли) маблағларга таснифлаган. Ўзбекистонлик олимлардан Б.Юсупов кичик тадбиркорликда инновацияларни жорий этиш, инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларини тадқиқ этади.

Шунингдек, олий таълимни молиялаштириш, олий таълимнинг инвестициялари ва инновация фаолиятининг назарий асослари, уни ташкил этишнинг миллий хусусиятлари ва амалиётига оид масалалар мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан М.Саидов, А.Махмудов, А.Норовларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва ёритилган⁹.

Олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминотини бошқаришда молиявий менежментнинг назарий ва услубий дастакларидан фойдаланиш имконияти, бизнинг фикримизча, бир қатор сабаблар билан шартланган. Биринчидан, замонавий давлат ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг хўжалик юритувчи субъекти бўлиб қолувчи макроиқтисодий инновацион лойиҳаларнинг тўлақонли иштирокчиси ва ташаббускори сифатида намоён бўлади ва у таълимни ривожлантириш бўйича стратегик инвесторнинг барча функцияларини бажаради. Умумий ижтимоий неъматлар, шу жумладан таълим хизматлари ижтимоий хизматлар бозорида «сотилади» ва «сотиб олинади». Шунга кўра, бозор иқтисодиётида олий таълимни молиялаштириш давлат бошқаруви усулларида инновацион менежмент, инвестиция ва лойиҳаларни бошқариш, натижаларни молиявий ва молиявий бўлмаган ҳолда ўлчаш каби хусусий бизнес усуллари билан боғлайди. Иккинчидан, чекланган молиявий ресурслар шароитида давлат натижавийлик ва самарадорликка йўналтирилган бюджетларни режалаштириш ва ижро этиш жараёнларини қайта тиклашга мажбур бўлади.

⁶ Добрынин А. И., Дятлов С. А., Цыренова Е. Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. - СПб. : Наука, 1999. - С.39.

⁷ Дели А. Человеческий капитал. Управление человеческими ресурсами: энциклопедия / под ред. М. Пула и М.Уорнера. - М. : Питер, 2002. - С. 111.

⁸ Шу ерда. - С. 58-59.

⁹ М.Саидов: «Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти»// «Молия»-2002; А.Махмудов: «Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш»диссертация автореферати Тошкет 2019 йил; А.Норов «Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш» диссертация автореферати Тошкент 2021 йил .

Бундай ҳолда таълим соҳасини молиялаштиришни бошқаришда умумэтироф этилган молиявий бошқарув дастаклари ва молия бошқарувининг асосий тамойиллари – истеъмолчига қаратилганлиги, шаффофлик, самарадорлик, тежамкорлик ва самарадорлик, назорат ва масъулият каби тамойиллар асосида амалда қўлланилади.

Учинчидан, молиявий менежмент анъанавий равишда рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, олий таълимда юқори рискли ҳисобланган инновацион жараёнларнинг молиявий таъминотини давлат томонидан бошқариш амалиётида давлатнинг молиявий рискларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Республикада мақсадли дастурлар ва миллий лойиҳалар доирасида олий таълимни инновацион ривожланишига йўналтирилган харажатларнинг етарлилик даражасини назарий ва услубий асослаш масалалари ҳам ишлаб чиқилмаган. Олий таълимни инновацион ривожлантиришга йўналтирилган молиялаштиришни бошқариш учун ягона назарий ва услубий ёндашувнинг йўқлиги унинг олий таълим инновацион инфратузилма субъектлари сифатида олий таълим муассасалари ташкилий ва молиявий хусусиятларига молиявий мослашувининг янги парадигмасини ишлаб чиқиш ва асослаш зарурлигини шартлайди. Бугунги кунда иккита маҳаллий таълимни молиялаштириш парадигмалари амал қилади. Биринчиси – таълим муассасаларини давлат томонидан қафолатланган молиявий қўллаб-қувватлаш бўлиб, у таълимнинг умумжаҳон конституциявий ҳуқуқига таянади. Ва иккинчиси – инсон капиталига инвестиция қилиш парадигмаси, яъни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим ресурси сифатида ишчи кучини такрор яратиш мақсадида таълим ташкилотларини турли манбалардан биргаликда молиялаштириш парадигмасидир.

Бизнинг фикримизча, олий таълимда инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг молиявий дастаклари сифатида қуйидагилардан: янги технология ва маҳсулотлар муаллифлари ва ишлаб чиқувчиларга нисбатан солиқ имтиёзлари бериш; университет илм-фанига ва инновацияларга сармоя киритадиган компанияларга нисбатан имтиёзли божхона ва тариф орқали тартибга солиш; инновацион университетлар ва инновацион инфратузилманинг бошқа субъектларига индивидуал грантлар бериш амалиётини кенгайтириш; университетларнинг инновацион фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мослашган инновацион рискларни кредитлаш ва суғурталашнинг янги дастакларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

«Олий таълимнинг инновацион салоҳияти» атамаси инноватиканинг асосчиларидан бири Э.Роджерс томонидан жорий этилган бўлиб, у ушбу атамани ҳар қандай тизимнинг янгиликларини яратиш, қабул қилиш, амалга ошириш, шунингдек ўз вақтида эскирган, номақбуллардан қутулиш қобилияти сифатида тушунган¹⁰. Шу нуқтаи назардан «олий таълимнинг инновацион салоҳияти»ни унинг янгиликларни ишлаб чиқариш, англаш ва амалга ошириш қобилияти сифатида талқин қилиниши мумкин, бу эса ҳар бир муайян субъект – таълим ва илмий-тадқиқот фаолияти иштирокчининг

¹⁰ Everett M. Rogers Diffusion of Innovations, 1962г.

инновацион хатти-ҳаракатлари ва янгиликка мослашувчанлиги ҳамда янгиликнинг динамик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб бизнинг фикримизча «олий таълим инновацион ривожланишининг молиявий таъминоти» атамасини ушбу субъектларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун муайян вақт оралиғида амалга ошириладиган олий таълимнинг иқтисодий субъектлари молиявий маблағларнинг киримлари ва чиқимлари сифатида шаклланаётган молиявий ресурсларни мақсадга йўналтирилган ҳаракат сифатида талқин этиш мумкин.

«Олий таълим салоҳиятининг инновацион ривожланишини молиявий таъминлаш», «олий таълимни инновацион ривожлантириш молиявий ресурслари», «олий таълим инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг молиявий дастаклар» тушунчалари ёритилиши мамлакатимиз олий таълимида инновацион жараёнларни самарали молиялаштиришнинг методологик базасини ишлаб чиқиш учун терминологик асосни яратади.

Олий таълим инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун ресурслар билан таъминлашнинг асосий манбаи сифатида университет фан ва олий таълимни давлат томонидан молиялаштиришни такомиллаштиришга нисбатан турли концептуал ёндашувлар мавжуд. Биринчиси – давлат вазифасига асосланган ҳолда республика ва маҳаллий бюджетларнинг таълимга йўналтирадиган харажатларининг минимал улушини белгилашдир; иккинчиси – мақсадли солиқларни жорий этиш; учинчиси – аҳоли жон бошига пул миқдори ёки умуман олий маълумотга ЯИМнинг улуши бўйича ҳисобланган давлат харажатларининг минимал стандартларини белгилаш; тўртинчиси – «мақсадли субсидиялар» тушунчасига киритилган харажатлар турлари рўйхатини кенгайтириш.

Олий таълим инновацион салоҳиятини ривожлантиришда устувор ресурслар билан таъминлаш тизимини шакллантириш учун, биринчи навбатда, қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда уни молиялаштиришга нисбатан янги концептуал ёндашувлар зарур:

молиявий таъминот манбаларини максимал диверсификация қилиш орқали олий таълим муассасаларининг таълим, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини биргаликда *молиялаштирилганлиги*;

олий таълим инновацион ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш етарли даражада таъминлаш имконини берувчи оптимал молиялаштириш ҳажми *кафолатланганлиги*;

олий таълим инновацион инфратузилмаси субъектларининг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолияти йўналишлари бўйича олинган молиявий ресурсларни тақсимлашда, шунингдек, ресурс таъминоти ҳажминини ва ушбу фаолият натижаларини ўлчаш воситаларидан фойдаланишда молиявий *мустақиллиги*;

билимларни тўплаш ва янгилаш жараёнига энг мос келадиган интеллектуал фаолият натижалари ва олий таълим муассасаларининг таълим янгиликларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг *устуворлиги*.

Биринчи концептуал қоида университетларга молиявий ресурсларни тақдим этишнинг тегишли тамойиллари, шакллари ва усулларини ўз ичига олади.

Биз тақлиф қилаётган иккинчи концептуал ёндашув, олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларидан бири кўп каналли молиялаштириш механизmidан фойдаланиш ёки молиявий ресурслар манбаларини максимал диверсификация қилиш орқали олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотлари ва инновацияларини биргаликда молиялаштиришдир. Олий таълимнинг молиявий ресурсларини бошқаришни ўзгартириш учун «юмшоқ бошқарув» тажрибасидан фойдаланиш мумкин, бу эса турли хил ривожланиш дастурларининг мослашувчан, марказлашмаган молиявий маблағларини ўз ичига олади.

Учинчи концептуал ёндашув зарурлигини асослаш олий таълимнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга инвестициялашнинг устуворлиги, биринчи навбатда, олий таълим муассасаларига хусусий-давлат молиявий инвестицияларни ва инновацияларни рағбатлантириш ҳисобига назарий асосни шакллантириш назарда тутади. Ҳозирги шароитда, олий таълим молиявий оқимларини самарали бошқаришни амалга ошириш учун ОТМларнинг илмий тадқиқотлари ва инновацияларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш керак.

Инновацион иқтисодиёт олий таълимни ривожлантиришнинг пухта ўйланган инновацион ва молиявий стратегияси доирасида қуйидаги молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда мунтазам равишда амалга оширилиши керак:

молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тамойили, унга мувофиқ олий таълимда молиявий бошқарувнинг асосий объекти сифатида инновацион жараёнларни кўриш лозим;

молиявий инвестицияларнинг инновацион фаолиятнинг сифатли хусусиятларига мувофиқлигини таъминлайдиган *молиявий ресурсларнинг оқилона етарлилиги тамойили*;

инновацияларни жорий этиш ва унга эришиш харажатларнинг таъсирини қиёсий баҳолашга асосланган *молиявий инвестицияларнинг самарадорлиги тамойили*.

Ҳозирги шароитда фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришнинг давлат манбалари ролини сақлаб қолиш учун, етакчи олий таълим муассасаларининг консолидацияланган илмий-инновацион бюджетини шакллантириш орқали мамлакатнинг ҳар бир минтақасида, илмий-педагогик ходимларнинг «академик капиталистлар» сифатида таълим, тадқиқот ва инновацион фаолиятини уйғунлаштириш учун кафолатланган молиявий ресурсларга эга бўлган камида битта етакчи давлат инновацион ОТМни ташкил этиши лозим.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминлашнинг услубий асослари**» деб номланган иккинчи бобида олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиялаштиришнинг етарлилик даражасини аниқлаш ва олий таълим

муассасалари инновациялари инвестицион жозибаторлигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари, уларнинг инновацион фаолияти натижалари билан олий таълимни молиявий қўллаб-қувватлаш ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари ва тизимли хусусиятлари ҳамда олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминлаш самараторлигини баҳолаш усулларининг типологияси тадқиқ қилинган.

Хорижий ва маҳаллий олимлар натижага йўналтирилган бюджет режалаштириш моделини олий таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат даромадларини бошқаришнинг замонавий тенденцияларига кўпроқ мос келишини исботладилар. Ушбу методологиядан фойдаланиш инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий самараторлигини режалаштириш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш имконини беради.

Россиялик олимларидан А.Э.Балобанов бюджетни, биринчи навбатда, бухгалтерия усули сифатида кўриб чиқади, бу эса ҳақиқий натижаларни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослаш имконини беради¹¹. А.Д.Шеремет бюджетни «молиявий ҳаракат режаси» деб таърифлайди ва «бюджет» атамасининг «смета» атамасига мувофиқлигини қайд этади, бу эса бошқарув вазифаларидан бири ҳисобланган оператив режалаштириш жараёнининг бошқарувни ҳисобга олиш билан алоқадор эканлигини таъкидлайди¹².

Инвестиция ресурсларини ишланма натижаларига айниқса, таълим инновацияларига айлантиришнинг самараторлигини ўлчаш жуда қийин. Иқтисодиёт фанида инновацияларнинг муваффақиятини баҳолаш инвестиция фаолияти натижаларини баҳолашнинг классик молиявий кўрсаткичлари – инвестицияларнинг ички даромадлиги нормалари, соф дисконтланган даромад миқдори ва инвестицияларни қайтариш муддати ёрдамида амалга оширилади.

Хорижий амалиётда ижтимоий рентабеллик коэффициенти, соф жорий ижтимоий қиймат кўрсаткичи, ижтимоий рентабеллик индекси, ижтимоий даромадлилик индекси, ижтимоий даромадлилик ички нормаси коэффициентлари инвестиция лойиҳаларини давлат ва хусусий молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш кўрсаткичларига киради¹³.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида биз «инновацияларнинг инвестицион жозибаторлиги даражаси» тушунчасини киритдик ва уни баҳолаш рейтингини жорий этиш мақсадга мувофиқлигини асосладик.

Инвестицион жозибаторлик рейтингида биринчи ўрин инновацион иқтисодиётнинг стратегик ривожланишини ва олий таълимнинг инновацион салоҳиятини, иккинчи ўрин инновацияларнинг функционалиги яъни ижтимоий жиҳати ва мақсадга йўналганлиги ҳисобланади, учинчи ўрин ижодкорлик ва билим даражаси юқори бўлган тадқиқот ва инновацияларга

¹¹ Балобанов А.Е. Стратегическое планирование развития университета // Университетское управление: практика и анализ. - 2002. - № 2(21). - С. 20.

¹² Шеремет А.Д., Волков И. М., Шапигузов С.М. и др. Управленческий учет: учебное пособие. - М. : ФБК- ПРЕСС, 1999.-С. 86.

¹³ Nonprofit Public Policy. A Sourcebook on Think Tanks in Government. New York, London. 1993, p. 43

тегишли икки асосий параметр: билимларни ижодий конвертация қилиш даражаси ва ушбу билимларни самарали қўллаш учун профессионал кўникмалар ва ўқувларнинг оптимал тўплами билан тавсифланади. Рейтингда тўртинчи ўринда инновацияларнинг мослашувчанлик даражаси бўлиб, бу мезон тадқиқот ва ишлаб чиқиш жараёнларининг илмий ва таълим фаолияти табиатига, уларнинг барча иштирокчиларнинг интеллектуал-инновацион салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш қобилиятига мувофиқлигини белгилайди, рейтингда бешинчи ўринни инновацияларнинг бошқарувчанлиги молиявий таъминотнинг оқилона таркибий нисбатларини, турли молиялаштириш манбаларини бирлаштириш ва молиявий воситалардан фойдаланишни назорат қилиш тизимини шакллантириш учун самарали муқобил вариантларни танлашни ўз ичига олади. Олтинчи ўрин – инновация натижаларининг тарқалиш тезлиги бўлиб, унинг рағбатлантирилиши ОТМ инновацион фаолияти йўналишлари бўйича пул маблағлари ва бошқа инвестиция ресурсларини бир-бирини тўлдириш ва эркин оқиб ўтиши имконияти билан белгиланади. Рейтингда еттинчи ўринни – ОТМлар инновацияларининг натижадорлиги, чунки ҳар қандай молиялаштириш модели ОТМдаги ҳар бир таркибий тузилмаси фаолиятининг ҳар бир йўналиши учун ресурслар ва натижаларни миқдорий ўлчаш усулларини назарда тутиши керак.

Самарадорликни ўлчашнинг фундаментал муаммоси – харажат омилларини ва даромад омилларини ажратиш муаммосидир. Олий таълим муассасалари инновацияларининг ўзига хос хусусияти ва олий таълимнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш параметрларини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион жозибадорлик мезонларининг рейтингини ҳисобга олмаган ҳолда харажатларни ихтиёрий тежаш фақатгина даромадларнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Яъни, инновацион инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг бозор усули, ОТМларнинг инновацион фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун харажатларни соф шаклда камайтиришда даромадни ошириш сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Агар тижорат фаолиятида ҳосилдорлик ва самарадорликни ошириш маҳсулот (хизмат)нинг фойдалилигини оширишда харажатларни камайтириш орқали амалга оширилса, унда таълим фаолиятида анъанавий таълим технологиясини харажатларга таъсир қилувчи инновацион технологиялар билан алмаштиришда инновацион траекториянинг инвестицион жозибадорлик мезонларига мувофиқлигини таъминлаш керак.

Олий таълимни ривожлантириш жараёнларини молиялаштириш ва молиявий таваккалчиликларни минималлаштириш учун мақбул ечимларни танлаш учун зарур бўлган тизимли атрибутлар, масалан, ечимлар дарахтини яратиш усули, сезгирликни таҳлил қилиш тамойиллари ва динамик моделлаштириш усуллари каби имитацион моделлаштириш тамойиллари ва усулларидан фойдаланиш мумкин.

Бизга маълумки, жаҳон амалиётида давлат харажатларининг самарадорлигини ўлчашнинг учта асосий усули мавжуд: индекс таҳлиллари, регрессив таҳлил ва маълумотлар тўпламларини таҳлил қилиш.

Индексларни таҳлил қилиш ташкилотнинг самарадорлигини олдинги даврлар кўрсаткичлари ва муқобил вариантларни ҳисобга олган ҳолда бундай ташкилотларнинг кўрсаткичлари билан солиштиришдан иборат. Бунинг учун ҳар бир давлат хизматларининг таннархи, шунингдек, кириш ресурсларининг хизматлар ҳажмига нисбати орқали аниқланадиган унумдорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатдики, ушбу самарадорликни баҳолаш усули давлат унитар корхоналари учун энг мақбулдир. Регрессион таҳлил усули ёрдамида самарадорлик ўртача оғишларни таҳлил қилиш асосида баҳоланади. Ушбу ёндашув аввалгисига қараганда кенгроқ бўлса-да, тадқиқот жараёнларида сабаб-оқибат муносабатларини баҳолаш учун қўшимча маълумот талаб этилади.

Ҳозирда ОТМларнинг инновацион ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашни бошқаришнинг функционал-мақсадли усули; ОТМ инновацияларининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш усули; ОТМларнинг илмий тадқиқотлари ва ривожланишига молиявий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари долзарб бўлиб, олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарувининг *функционал-мақсадли усули* олий таълим муассасининг инновацион жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашни бошқаришнинг дастурий-мақсадли усулини ривожлантиришнинг методик усуллари билан биридир.


Ушбу усуллар узок муддатли молиявий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан инсон капиталига инвестицияларни хусусий ҳисса сифатида ўрганишга асосланади ва инсон ҳаётининг турли босқичларида уларнинг динамикасини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий фойда ва таълим харажатларини таққослашни ўз ичига олади. Бу дисконтланган усуллар асосида таълим олиш бўйича муқобил ечимлардан кутилган даромад оқимларини аниқлашни талаб қилади.

Умуман олганда: ОТМнинг инновацион фаолияти натижаларини тижоратлаштиришдан ва таълим инновацияларидан олинадиган жами даромади ОТМни инновацион ривожлантириш учун сарфланган ресурслар ҳажмига нисбати уларнинг инвестицион жозибadorлиги мезонларига мувофиқ ижобий қийматга эга бўлганда самарали ҳисобланади.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтишида олий таълимни молиялаштириш тизимининг амалдаги ҳолатининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг амалдаги механизмини ва уларни маблағ билан таъминлаш ҳолати таҳлил этилган ҳамда олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг хориж тажрибалари тадқиқ этилиб, иқтисоди таракқий этган АҚШ ва Германия давлатларидаги олий таълимни молиялаштиришдаги илғор тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш юзасидан таклифлар берилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари молиявий таъминотини асосий қисми бюджетдан ташқари маблағлар ташкил этмоқда хусусан бизнес ва бошқарув йўналишларида 95-98 фоизгача молиявий таъминот ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағларига тўғри келмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, сўнгги беш йилда олий таълим тизимини молиялаштириш жараёнида аста-секинлик билан бозор механизмлари жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигининг далолатидир.

Таҳлилларимизга кўра нодавлат ва хорижий олий таълим муассасаларининг ташкил этилишлари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиб, тобора кенгайиб бориши олий таълим муассасалари ўртасида эркин рақобатнинг вужудга келишига замин яратмоқда. Бу ислохотлар олий таълимни молиялаштириш тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Таҳлилларимизга асосланиб айтишимиз мукинки, республика олий таълим муассасаларига 2016-2020 йилларда ажратилган маблағлар миқдори фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган.




1-расм. Республика олий таълим муассасаларига 2016-2020 йилларда ажратилган маблағлар миқдори (трлн. сўм)¹⁴

Келтирилган диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш таҳлил даврида уч мартабага ўсган бўлса, тўлов контракт маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 4,4 мартага ошган. Демак, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда тўлов контракт маблағлари ҳисобига молиялаштириш тизими устунликка эга бўлмоқда. Агар биз ушбу маълумотларни фоизларда таҳлил этсак, бу нисбатлар янада яққол намоён бўлади (2-расмга қаранг).

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда олий таълим муассасаларини молиялаштириш 38 %га 62 %, яъни жами молиялаштиришнинг 38-фоизини бюджет маблағлари, 62 фоизини эса тўлов контракт маблағлари ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу нисбат 29%га 71 %ни ташкил этган.



2-расм. Республика олий таълим муассасаларига 2016-2020 йилларда ажратилган маблағлар улуши (фоиз)¹⁵

Таҳлил маълумотларимизга таянган ҳолда мамлакатимизда олий таълим тизимини молиялаштиришда бюджет маблағларини салмоғини пасайтириш ва ўз-ўзини молиялаштириш тенденцияси давом эттирилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Агар биз ОТМлар харажатларини олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларнинг иқтисодий кўрсаткичлари мисолида кўрадиган бўлсак, деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш тенденцияси хослигига гувоҳ бўламиз (1- жадвалга қаранг). Ушбу жадвалда эътиборни тортадиган кўрсаткичлардан ҳисобланган ўзлаштирилган хорижий инвестиция маблағлари республика ОТМлари бўйича 1364 мартага ўсиб 45 млн долларни ташкил этганлиги қувонарли ҳолатдир. Бу кўрсаткич 2017 йилда атиги 33 минг долларни ташкил этган. Демак, сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллашган. Албатта, бунга сабаб мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини жорий этилиши ва бу рейтингни аниқлашда хорижий инвестицияларни жалб этиш асосий индикаторлардан бири этиб белгиланиши, ОТМларга аста секинлик билан молиявий ва академик мустақилликни берилиши, ОТМларнинг халқаро алоқалари кенгайиб бораётганлиги каби омиллар сабаб бўлган.

Яна бир эътиборни тортадиган кўрсаткич бу 2017-2020 йилларда олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи харажатлари ҳам кескин ошиш тенденциясига эга бўлганлиги. Масалан, 2017 йилга нисбатан

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

2020 йилда катта ўқитувчини 1,9 баробарга (1912-5302 минг сўмга, доцентнинг иш хақи 2,1 мартага (2010-6079 минг сўмгача) профессорнинг ойлик маоши эса, 2,2 мартага (2178-7186 минг сўмгача) ошган.

1-жадвал

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларнинг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида МАЪЛУМОТ¹⁶

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиш, баробарда
<i>A</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (млн. сўмда)	464829,3	881 781,4	1 098 892,3	1 439 241,6	3,0
Тўлов - контракт маблағлар тушуми (млн. сўмда)	1140848,	1965171,0	2545061,0	2645874,4	2,2
Тадбиркорлик фаолиятдан тушум (млн. сўмда)	51763,3	78140,9	84001,5	85517,5	1,6
Шу жумладан, Таълим хизмати ва сервис тушуми	33512,3	39316,5	66 216,0	76 905,0	2,2
Яратилган янги иш ўринлари	1399	2964	4023	6860	2,9
Базавий лавозим маошлар: (минг сўм)					
- Профессор (фан доктори илмий даражасига эга)	2178,0	2505,0	4884,0	7186,0	2,2
- Доцент (фан доктори илмий даражасига эга)	2010,0	2312,0	4132,0	6079,0	2,1
- Катта ўқитувчи (илмий даражага ва илмий унвонга эга)	1912,0	2198,0	3604,0	5302,0	1,9
Курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган объектлар сони	18	17	28	19	-
Курилиш-таъмирлаш ишлари учун ўзлаштирилган маблағ (млрд. сўм)	204,6	160,3	353,4	118,2	-
Ўқув бинолари кувватлари республика ОТМлари бўйича (ўқувчи/ўрни)	299 049	320 964	367 299	369 519	1,2
Ўзлаштирилган хорижий инвестиция маблағлари республика ОТМлари бўйича (минг доллар)	33,0	1978,2	11325,7	45000,0	1364
Ўзлаштирилган грант маблағлар республика ОТМлари бўйича (млн. доллар)	3,7	4,2	4,5	9,8	3,0

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Келгусида олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма босқич ўтказиш олий таълимдаги ислохотларнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. 2020 йилда 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилган бўлса, 2022 йилнинг 1-январидан 35 та олий таълим муассасаси ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий маконига кириши таълим соҳасини бошқариш ва молиялаштириш сиёсатидаги хорижий давлатларнинг тажрибасини кўриб чиқиш зарурлигини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда дунёда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қарийб 61,5 миллион талаба таҳсил олаётган бўлса, улардан тахминан 38 миллион киши барқарор ривожланган бозор иқтисодиётига эга ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Дунёнинг етти етакчи капиталистик мамлакатлари бўлган АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канадаларда дунёнинг жами талабаларининг 40 фоизи ёки тараққий этган мамлакатларда таҳсил олаётган талабаларнинг 3/2 қисми таълим олишмоқда.

Олиб борган тадқиқотларимиздан келиб чиқиб, Германия давлатидаги ОТМларни молиялаштириш доирасида маблағларни тақсимлашнинг энг аввало ОТМларнинг истикболдаги натижаларга қараб амалга оширилиш тажрибаси ва АҚШларининг стипендиялар, грантлар(субсидия ёки дотациялар), қарзлар(кредитлар), талабалар учун иш жойи, солиқ енгилликлари кўринишидаги молиявий ёрдамлар саватчаси эътиборимизни тортди. Ушбу тажрибаларни ҳам мамлакатимизда олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақилликни аста секинлик билан жорий этиб бориш шароитида қўллаш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда олий таълим муассасаларининг ролини ошириш, инновацион жараёнларнинг иқтисодий ўсишга таъсирининг эконометрик таҳлили, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Ушбу бобда олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар аниқланган ва олий ўқув юртларини молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан қатор илмий-амалий таклифлар берилган.

Билимларга асосланган инновацион иқтисодиётни шакллана бошлаши ва илмий-техник тараққиёт тезлигининг кескин ошиши, ОТМлар олдида уч босқичли вазифани яъни илмий тадқиқотлар олиб бориш, мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот натижаларини моддийлаштириш, яъни уларнинг бозор айланмасига киритилиши каби масалаларни ҳал этишни талаб этади. АҚШларида хусусий секторда ҳам инновация фаолиятини қўллаб қувватлаш юқори бўлиб, жами молиялаштириш манбаларининг 70-фоизини хусусий бизнес ажратмалари ташкил этади.

Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда илмий ҳамда инновация фаолиятини молиялаштириш манбалари¹⁷

Давлатлар	Бюджет харажатлари %	Хусусий бизнес ажратмалари, %
АҚШ	30	70
Европа Иттифоқи	40	60
Ўзбекистон	90	10

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг атиги 10-фоизигина хусусий бизнес ажратмалари ҳиссасига тўғри келади. Бизнинг фикримизча мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

инновацион ташкилотларни қўллаб қўвватлаш тизимининг ҳуқуқий базаси шакллантирилган бўлсада, унинг амалдаги татбиғи талаб даражасида эмас;

реал сектор корхоналарида инновацион стратегиянинг мавжуд эмаслиги; йирик компанияларда инновацион ғояларни амалга татиқ этишнинг нисбатан қийин кечиши ва кўпроқ вақт талаб этиши;

янги технологиялар бозорида тўлақонли рақобат муҳитининг шаклланманганлиги инновацион маҳсулотларни сотишдаги талабнинг ҳам паст бўлишига олиб келиши;

инновацион ғояларни шакллантириш ва амалга оширишда мутахассисларнинг етарли эмаслиги;

маҳаллий бизнес вакилларида технологик билимлар етарли эмаслиги ҳисобига инновацион лойиҳалар ишлаб чиқишнинг сустлиги;

кўпгина компанияларда инновацион лойиҳаларни ривожлантиришда рағбатлантириш муҳитини йўлга қўйилмаганлиги;

Инновацияларни тижоратлаштиришда ҳам қатор муаммолар мавжуд:

инновация жараёнларининг етарли даражада ахборотлаштирилмаганлиги;

инновацияларни баҳолаш ва экспертиза қилувчи механизмни йўқлиги;

инновациялар афзаллигини баҳолашда уларнинг муаллифлари томонидан истеъмолчилар манфаатларига нисбатан субъектив ёндашувнинг устунлиги;

инновацияларни силжитишда инновацион маркетинг фаолиятини йўқлиги;

инновация яратувчи кадрларни рағбатлантириш ва инвестициялаш билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир.

Бизга маълумки, давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инновацион фаолиятни таъминлаш, шу жумладан мамлакатнинг илмий-техникавий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, илмий-техникавий ишлар

¹⁷ БМТ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

натижаларини жорий этиш учун мақбул шарт-шароитларни (ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий) яратиш ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу инновацион сиёсат доирасида бизнинг фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

2. Яратилган инновацион хизмат ҳақида минтақа ва халқаро миқёсида ахборот етказиш механизмини ишлаб чиқиш;

3. Инновацияни текширувдан ўтказиб сотиш механизмини ишлаб чиқиш;

4. Олий ўқув юртлири, малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларида инновацион маҳсулотларни силжитиш ҳақида ўқув дастурларига киритиш;

5. Инновацион маркетинг фаолиятини хорижий тажрибалар ва илмий ишланмалар орқали такомиллаштириш;

6. Инновацион фаолият давомида инновациялар бозорини ташкил қилиш;

7. Фанлараро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанлараро алоқаларни шакллантириш жараёнларини рағбатлантириш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

8. Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб боришни рағбатлантириш;

9. Тадқиқотларни мамлакатни изчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш учун шарт-шароитларни яратиш.


Бугунги кунда иқтисодиёт ўсишни рағбатлантиришнинг ўзига хос бўлган ва айни вақтда юқори самарадорлик кафолати сифатида эътироф этилаётган инновацион жараёнлар, бу борада инсон капиталини ривожлантириш орқали инновацион технологияларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш – иқтисодий ривожланишнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон саноатининг бир қатор тармоқларида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши 2010 йилдаги 1,5 %дан 2020 йилда 10,2 %гача ўсган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 138,9 % ни ташкил этган¹⁸.

2010-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар таҳлили динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, 2010 йилда инновацион фаолият учун қилинган харажатлар 522 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу йилда макзур харажатдан мос равишда деярли 1,5 баробардан ошиқ инновацион

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. –Т. 2021.–Б. 69.

маҳсулотлар, ишлар, хизмат ҳажми яратилиб, уларнинг умумий ҳажми 1325 млрд. сўмни ташкил этган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар динамикаси (2010-2020 йиллар)¹⁹

Юқорида кўриб ўтилган маълумотлар асосида иқтисодий ўсишга инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсири ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эконометрик таҳлил қилдик. Эконометрик таҳлилда кўп омиллари регрессия таҳлилидан фойдаландик. Ушбу эконометрик таҳлилни амалга ошириш давомида биринчидан, кўп омилли корреляцион-регрессион эконометрик таҳлил амалга оширилиши, сўнгра таъсир этувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлиги юзасидан регрессион-коореляцион эконометрик таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Биз эконометрик таҳлил учун керакли маълумотларни 3-жадвалдан фойдаландик. Бу борада кўп омилли корреляцион-регрессион эконометрик таҳлилда қуйидагилар ҳисобга олинди:

нативавий белги сифатида мамлакат иқтисодий ўсишини англутувчи мамлакат ЯИМ ҳажми (Y)га омиллар, яъни $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ каби инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг нативавий белгига тўғри ва тескари боғлиқлиги таҳлил этилди;

таъсир этувчи омиллар, яъни $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ синграри инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини ва жипслиги таҳлил этилди;

¹⁹ Т.Т. Жўраев, А.А.Орипов. Миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш йўллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

**Инновацион жараёнларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини
эконометрик таҳлили учун фойдаланилган кўрсаткичлар²⁰**

Йиллар	Y, ЯИМ ҳажми, млрд. сўм	Омиллар	
		X ₁ , инновацион фаолият учун қилинган ҳаражатлар, млрд. сўм	X ₂ , ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми, млрд. сўм
2010	78 936,6	522	1325
2011	103 232,6	334	1660
2012	127 590,2	264	1849
2013	153 311,3	373	1349
2014	186 829,5	312	3636
2015	221 350,9	4634	4615
2016	255 421,9	3757	7043
2017	317 476,4	5528	8024
2018	424 728,7	2571	10688
2019	529 391,4	4162	18543
2020	602 551,4	5465	21746

кўрсаткичлар асосида тузилган эконометрик модел асосида прогноз параметрилари берилиши мумкин.


Юқоридаги таҳлил асосида, мамлакат иқтисодий ўсиши ЯИМ ҳажми (Y)га омиллар, яъни $x_1, x_2, x_3 \dots x_n$ каби инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан эконометрик таҳлил натижаларига кўра қуйидагича эконометрик модел тузиб олинди:

$$y = 88943,52373 + 5,193337303 x_1 + 23,32853443 x_2$$

Ушбу эконометрик моделдан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодий ўсиши ЯИМ ҳажми (Y)га омиллар инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсирини ифодаловчи график тасвирини қуйидагича тасвирлаш мумкин (4-расмга қаранг). Ўтказилган таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодий ўсишига иқтисодиётдаги ишлаб чиқарилган инновацион фаолият натижасидаги маҳсулот ва хизматлар ҳажми 67 фоиздан юқори даражада таъсир этади. Шунингдек, инновацион фаолият учун қилинган харажатлар эса иқтисодий ўсишга 82,3 фоиз таъсир этиши билан аҳамиятлидир.

Тузилган эконометрик моделдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, инновацион фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг 1 бирликка ортиши ЯИМ миқдори, яъни мамлакат иқтисодий ўсишининг 23,3 бирликка ўсишига ижобий таъсир этади. Қолверса, инновацион фаолият учун қилинган харажатларнинг 1 бирликка ўсиши ЯИМ ҳажмининг 5,1 бирликка ўсишига таъсир этади.

²⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



4-расм. Мамлакат иқтисодий ўсиши ЯИМ ҳажми (Y)га омиллар инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ва инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсирини ифодаловчи график тасвири²¹

Ушбу бобда тадқиқотимизни олиб бориш давомида олий таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш борасида қуйидаги илмий таклифларимизни келтиришни лозим деб топдик.

1. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг аксарият қисми давлат олийгоҳлари эканлиги ва олий таъли муассасалари ўртасида эркин рақобатнинг тўла шаклланмаганлигини ҳисобга олиб уларни босқичма босқич акционерлаштириш орқали инвестицияларни жалб этиш натижасида уларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Ушбу мақсадда биз тадқиқотимизда олий таълим муассасаларини акциядорлик жамиятига ўтказиш бўйича тахминий ишлар схемасини битта олий таълим муассаса яъни Тошкент Молия институти мисолида ишлаб чиқдик.

Ушбу схемамизда ОТМ устав капиталида давлатнинг улушини 51 фоизда ушлаб қолиш шarti билан хусусийлаштириш орқали 152,4 млрд. сўм маблағ, яъни устав капиталининг 49-фоизи акционерларнинг капитали сифатида жалб этилиши режалаштирилган. Ушбу маблағлар босқичма-босқич, яъни жами 49-фоизлик акцияларнинг биринчи ва иккинчи йилларда 15-фоиздан, учинчи йилда 19 фоиз миқдорида IPO орқали жойлаштирилиши натижасида келиб тушиши белгиланган. Шунинг учун, биз олий таълим муассасасини давлат тасарруфидан чиқариш ва IPO ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишлар схемасини ҳам ишлаб чиқдик ва у қуйидагича кўринишга эга бўлди.

²¹ Муаллиф томонидан тузилган

**Олий таълим муассасаларини Акциядорлик жамиятига
ўтказиш бўйича тахминий ишлар схемаси²²**

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
I-босқич	Ташуббускор – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бошқарув органи – Давлат активларини бошқариш агентлиги, Субъект – Тошкент молия институти (тахминий номзод), Ташкилотчи – IPO ўтказиш, акцияларни оммавий жойлаштиришни ташкил этувчи компания	1.ОТМни Акциядорлик жамиятига айлантириш (<i>устав капиталини мол-мулкларининг баланс қиймати ҳисобига шакллантирган ҳолда</i>). 2.ОТМда бирламчи акциялар чиқарилувини (<i>IPO – Initial public offering</i>) амалга ошириш (<i>АЖ томонидан қўшимча акцияларни босқичма босқич устав капиталининг 5-10 фоизи миқдорда чегараланмаган миқдорда чиқариш ва инвесторлар, аҳоли орасида жойлаштириш</i>). 3.Танлов асосида Ташкилотчи (<i>сугурта ёки инвестицион компаниялари, тижорат банклари</i>) аниқланади ва шартнома тузилади	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санадан бошлаб 1 ой ичида Дастлабки акциялар чиқарилуви рўйхатдан ўтгандан сўнг 1 ой ичида 1 ой ичида
*Акциядорлик жамиятига айлантириладиган ОТМга давлат ОТМларига нисбатан қўлланиладиган барча солиқ имтиёзлари сақлаб қолиниши зарур. Шунингдек, талабаларни қабул қилиш тартиби, сони, ўқитиш қиймати каби масалаларда тўлиқ мустақиллик бериш назарда тутилади.			
II-босқич	Тошкент молия институти, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги департаменти, Тошкент молия институти Тошкент молия институти, Давлат активларини бошқариш агентлиги	1.ТМИнинг мол-мулклари қайта ташкил этиш Комиссияси томонидан тўлиқ хатловдан ўтказилади. 2.Хатлов натижасига кўра АЖ ташкил этиш, унинг устави ва акциялар чиқарилувини тасдиқлаш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғи қабул қилинади (<i>мол-мулкларнинг баланс қиймати</i>) аниқланади. 3.АЖ акциялар чиқарилувини Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида рўйхатдан ўтказиш. 4.АЖ акцияларини Агентлик Депо ҳисоб рақамига жойлаштириш	1-3 ой давомида Хатлов тугаган санадан кейин 1 ҳафта муддатда 1 ой ичида акциялар чиқарилуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин 3 кун ичида
III-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент молия институти	1.АЖ қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисида ягона акциядор қарорини қабул қилиш. 2.АЖ қўшимча акцияларини Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида рўйхатдан ўтказиш.	Дастлабки акциялар чиқарилуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин 10 кун

²² Муаллиф томонидан тузилган

	Молия вазирлиги департаменти, Тошкент молия институти	Қўшимча 152,4 млрд.сўмлик акциялар босқичма-босқич (1-йил 15%, 2-йил 15%, 3-йил 19%) чиқарилади. Натижада АЖ устав капиталида: давлат улуши – 51% ёки 158,6 млрд.сўм; бошқа акциядорлар – 49% ёки 152,4 млрд.сўм (IPO орқали жойлаштирилган улуши)	ичида 1 ой ичида
<i>* Контракт асосида ўқитиш қиймати фақат 1-курсга қабул қилинадиган талабаларга мустақил белгиланади. 2 - ва юқори курс талабалари ўқишни тамомлагунга қадар амалдаги ижтимоий контракт қийматини тўлайдилар. Шу муносабат билан, акциялар дивидендга эга бўлиши мақсадга мувофиқлиги сабабли Давлат улуши босқичма-босқич камайтирилади</i>			
IV- босқич	Тошкент молия институти ва Ташкилотчи «Тошкент» Республика фонд биржаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги	1.Республиканинг барча хуудларида акциядорлик компаниясига жалб қилиш ишлари ташкил қилинади. Акциялар чиқарилганлиги тўғрисида маълумотларни инвесторларга етказилади, шу билан бирга аризаларни қабул қилиш ва жойларда тўловларни амалга ошириш учун шароитлар яратилади. 2.Акциядорликка талабгорлар билан тузилган шартномалар рўйхатдан ўтказилади	Акция чиқарилган сўнг 6 ой давомида IPO ўтказиш-нинг сўнги санасида
<i>IPO натижасида келиб тушадиган маблағ ОТМни ўқув ўрни қувватини ошириши, ўқув-илмий лаборатория базасини кўпайтириши, инфратузилмани яхшилаш каби мақсадларга йўналтирилади. Молия йил якуни бўйича даромаднинг камида 50 фоизи акциядорларга дивиденд шаклида тўланади</i>			

Бизнингча ушбу схема тартибида олий таълим муассасаларини акционер жамиятларга айлантириш орқали инвестицияларни жалб этиб, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга ва молиявий барқарорлигини таъминлашга замин яратиш мумкин, бунинг учун дастлаб 2 та олий таълим муассасасини танлаб олиб тажриба-синов тариқасида акциядорлик жамиятига айлантириш орқали инвестиция жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда олий ўқув юртлари очик ёки ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида бўлиши мумкин. Акциядорлик жамияти шаклидаги ОТМга академик ва молиявий мустақиллик берилиши лозим.

Бизнинг фикримизча бу тизимга ўтишнинг афзаллиги акция чиқариб сотиш орқали келиб тушган маблағлар асосан, ОТМнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, ўқув ва талабалар турар жойларининг қувватини оширишга, лаборатория жиҳозларини харид қилишга ва таълим сифатини оширишга сарфланади. Яратилган шароитлар эвазига таълим сифати ҳамда олий таълим билан қамров оширилади. Акциядорлар харид қилиб олган

акциялари қийматидан келиб чиқиб дивиденд сифатида даромад олиб борадилар.

5-жадвал

Олий таълим муассасасини давлат тасарруфидан чиқариш ва IPO ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишлар схемаси²³

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I-босқич	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	1. Чет элда акционерлаштирилган ОТМ амалиётини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш. 2. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларини таҳлил қилган ҳолда 1 тасини танлаш ва IPO ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини тайёрлаб, белгиланган тартибда киритиш. 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси қабул қилиниши	ўн кун муддатда бир ой муддатда белгиланган муддатда
II-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Институт, Молия вазирлигинининг департаменти	1. Институтнинг мол-мулклари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини хатловдан ўтказиш. 2. Институт мол-мулкларини баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни жалб қилиш ва баҳоланишини таъминлаш. 3. Институтни акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги буйруқни қабул қилиш, уни давлат рўйхатидан ўтказиш. 4. Институт бошқарув органларини (ижроия органи, кузатув кенгаши) шакллантириш. 5. Институтнинг бирламчи акцияларини рўйхатдан ўтказиш	15 кун муддатда 30 кун муддатда 15 кун муддатда 15 кун муддатда 15 кун муддатда
III-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Институт, Молия вазирлиги департаменти	1. IPO ўтказиш чора-тадбирларини тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган чора-тадбирлар (IV-X-босқичлар) асосида IPOни ўтказиш	15 кун муддатда 301 кун муддатда

2. Сўнгги йиллардаги олий таълим муассасаларида оширилган контракт асосида талабалikka қабул қилиш тизимини таҳлил этган ҳолда биз тадқиқотимизда кириш имтиҳонларидан етарли балл тўплай олмаган ва ўқиш

²³ Муаллиф томонидан тузилган

истагини билдирган абитуриентлар учун оширилган контракт асосидаги тўловларни ўқиш даври йиллари давомида (ўртача 4 йил) тенг бўлиб тўлаш шарти билан тўлов-контракт асосида ўқитиш тизимини жорий этиш лозим деб топдик. Бу давлат буюртмаси параметрларидан ташқари ҳолда амалга оширилади. Йиллик тўлов бир йиллик ўқитиш харажатларининг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгиланади ва ҳар ўқув йилида тўлов-контракт суммаси тўлаб борилади. Бу тизимга ўтишнинг афзаллиги оширилган контрактни бир йилда эмас бутун ўқиш даврида (4 йил давомида) бўлиб тўлаш орқали талабалар томонидан ўқиш учун тўловларни амалга оширишга кенг имконият яратилади. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кенгайди. ОТМнинг молиявий тушуми барқарорлашади. Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар ва уларнинг ота-оналари томонидан енгиллик яратиш бўйича кўплаб бўлаётган муурожаатлар ўз ечимини топади.

3. Олий ўқув юр்தларини акционер жамиятларига айлантиргандан сўнг уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда бозор механизмларидан самарали фойдаланиш лозим. Шундай механизмлардан бири бу муомалага турлича қимматли қоғозларни чиқаришдир. Бизга маълумки, ҳар бир акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятида эртами кечми айланма маблағларни тўлдириш, янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, қўшимча иш жойларини яратиш ва бошқа шу каби мақсадлар учун етарли пул ресурслари мавжуд эмаслиги сабабли унинг имкониятлари чекланганлиги сезилади. Бугунги кунда аксарият акциядорлик жамиятлари ушбу муаммони банк кредитлари орқали ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бироқ, ушбу кредитни, нархи олинган кредит суммасидан юқори бўлган мулк гарови эвазига олишга тўғри келади. Шунингдек, ҳозирда юртимизда кредитга бўлган талаб юқори бўлиб, ўз навбатида банк кредит ставкалари ҳам юқори ҳисобланади.

Ушбу муаммони ечишнинг акциядорлик жамиятлари учун бошқа самарали усуллари ҳам мавжуд бўлиб, булар, қўшимча акциялар ва облигациялар чиқаришдан иборат. Бироқ, ушбу қўшимча акцияларни жамиятнинг рақобатчиси олиб ушбу жамият устидан ўз назоратини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари учун қулай ҳисобланган қарз тизими, яъни корпоратив облигациялар чиқаришга мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

Облигациялар акцияларга қараганда кам, бироқ қафолатланган даромад келтириб, фонд бозорида маблағ жойлаштирилишининг ишончли гарови ҳам дейилади. Бизга маълумки, облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз ҳисобланади. (*Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси*)

Акцияларга нисбатан корпоратив облигацияларга инвестициялар киритиш анча ишончлидир, чунки облигацияларнинг нархи акцияларнинг нархидек тез ўзгарувчан ҳисобланмайди. Корпоратив облигацияларга киритилган инвестицияларнинг юқори ишончлиги уларнинг инвесторлар томонидан кенг танланишига олиб келмоқда, чунки облигациялар айланмаси дунёнинг энг йирик фонд бозорлари айланмасининг 2/3 қисмини ташкил этади. Шу сабабли корпоратив облигациялар бутун дунёда корхоналарни узоқ муддат давомида молиялаштиришнинг ишончли воситаларидан бири деб тан олинган.

4. Олий ўқув юртларининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мазмун-моҳиятини, хусусиятини, эҳтимолий ечимларини ўрганиб чиқиб биз таълим муассасаларининг инвестиция салоҳиятини шакллантириш механизмини такомиллаштириш хусусида айрим фикр-мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик. Жумладан, таълим муассасаларининг инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурслар таъминоти билан боғлиқ долзарб муаммоларни республика ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари даражасида ҳал этиш имкониятини берадиган алоҳида механизм ишлаб чиқилиши лозим.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация тадқиқоти доирасида куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Бугунги кунда олий таълим инновация ва ўз-ўзини ривожлантириш, инсон капиталининг янги сифатини шакллантириш манбаси сифатида намоён бўлмоқда. Давлат-сиёсий институт сифатида миллий ғоянинг генератори, барқарорликнинг кафили шунингдек, мамлакатимизда иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларида инновациялар ўзлаштириш ва тарқатиш учун энг яхши шароитларни таъминлай оладиган қулай инвестиция муҳитини яратиш каби муҳим вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олиши айниқса муҳим бўлмоқда.

2. Олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиявий таъминотини бошқаришда молиявий бошқарувнинг назарий ва услубий дастакларидан фойдаланиш имконияти, бизнинг фикримизча, бир қатор сабабларга боғлиқ.

Биринчидан, ҳозирда давлат ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хўжалик юритувчи субъекти бўлиб қолувчи макроиқтисодий инновацион лойиҳаларнинг тўлақонли иштирокчиси ва ташаббускори сифатида намоён бўлади ва у таълимни ривожлантириш бўйича стратегик инвесторнинг барча функцияларини бажаради.

Иккинчидан, чекланган молиявий ресурслар шароитида давлат натижавийлик ва самарадорликка йўналтирилган бюджетларни режалаштириш ва ижро этиш жараёнларини қайта тиклашга мажбур бўлади. Бундай ҳолда таълим соҳасини молиялаштиришни бошқаришда умумэтироф этилган молиявий бошқарув дастаклари ва молия

бошқарувининг асосий тамойиллари – истеъмолчига қаратилганлиги, шаффофлик, самарадорлик, тежамкорлик ва самарадорлик, назорат ва масъулият каби тамойиллар асосида амалда қўлланилади.

Учинчидан, молиявий бошқарув анъанавий равишда рискларни бошқариш билан боғлиқ бўладиган бўлса, олий таълимда юқори рискли ҳисобланган инновацион жараёнларнинг молиявий таъминотини давлат томонидан бошқариш амалиётида давлатнинг молиявий рискларини ҳам ҳисобга олиш керак.

3. Давлатнинг молиявий бошқаруви ва молия тизимининг алоҳида буғинлари бўйича илмий асосланган ва норматив тасдиқланган концепциянинг йўқлиги олий таълим соҳасида давлат ва нодавлат активлар ва пассивларнинг мазмуни ва уларни бошқаришга таъаллуқли бўлган масалаларни методологик жиҳатдан ечишга имкон бермайди. Бу ерда олий таълимни ривожлантириш жараёнларини ривожлантириш жамғармаларини шакллантириш, молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда бюджет менежменти, давлат-хусусий менежмент шериклигининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

4. Олий таълимнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган молиявий инвестицияларни жалб этиш масаласи бутун жамиятни ривожлантиришнинг асосий масаласидир, ОТМ инновацияларига инвестицияларни жалб этиш масаласи олий таълимни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, инвестицияларни амалга ошириш вақтида инвесторлар муайян ОТМ билан алоқа ўрнатадилар ва инновацион фаолиятнинг иштирокчилари бўлишади. Инвесторларнинг таъсир кўрсатиш натижаси сифатида ОТМ инновацион фаолиятининг сифат ва миқдорий хусусиятлари ўзгаради.

5. Ҳозирда билимларга асосланган инновацион иқтисодиётни шакллана бошлаши ва илмий-техник тараққиёт тезлигининг кескин ошиши, ОТМлар олдида уч босқичли вазифани яъни илмий тадқиқотлар олиб бориш, мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот натижаларини моддийлаштириш, яъни уларнинг бозор айланмасига киритилиши каби масалаларни ҳал этишни талаб этмоқда. Ҳозирда тараққий этган мамлакатлар чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни ўз олдидиларга вазифа қилиб қўйган, яъни улар ўз иқтисодиётини табиий ресурслар сарфлаб эмас инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдаки, бу эса глобал иқтисодиётда рақобатни янада кучайтиради. Ушбу глобал иқтисодиётда муносиб ўринга эга бўлишимиз учун бизнинг ҳам асосий мақсадимиз инновацион иқтисодиётни шакллантириш бўлиши керак.

6. Мамлакатимизда инновацияларни ривожлантириш яқин беш йилда бошланган бўлса, айрим давлатлар инновацион йўлга ўтганлигига 50 йилдан ошганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг атиги 10-фоизигина хусусий бизнес ажратмалари ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, корхона ва

ташкilotларда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш масаласи жуда заифлигидан далолатдир.

7. Олиб борган тадқиқотларимизга асосланиб мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этишда қуйидаги муаммолар мавжуд деб топдик:

инновацион ташкilotларни қўллаб қўвватлаш тизимининг ҳуқуқий базаси шакллантирилган бўлсада, унинг амалдаги татбиғи талаб даражасида эмас;

Реал сектор корхоналарида инновацион стратегиянинг мавжуд эмаслиги ва йирик компанияларда инновацион ғояларни амалга татбиқ этишнинг нисбатан қийин кечиши ва кўпроқ вақт талаб этиши;

